

7-10-2019

THE ANALYSIS OF BOBUR'S ROLE IN "BABURIYNAMA"

Isroil Isomiddinov Sulaymonov

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor Samarkand State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sulaymonov, Isroil Isomiddinov (2019) "THE ANALYSIS OF BOBUR'S ROLE IN "BABURIYNAMA"," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 33.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/33>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE ANALYSIS OF BOBUR'S ROLE IN "BABURIYNAMA"

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

«БОБУРИЙНОМА»ДА БОБУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Сулаймонов Исроил Исомиддинович

филология фанлари номзоди, доцент Самарқанд давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» маърифий романида Бобур образининг талқин этилиши, тарихийлик ва бадиий талқин масаласи, ёзувчининг тарихий фактлардан фойдаланиш маҳорати каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Бобур, «Бобурнома», Хайриддин Султон, «Бобурийнома», тарихий факт, бадиий талқин, адиб услуби, маҳорати.

ТРАКТОВКА ОБРАЗА БАБУРА В «БАБУРИЙ-НАМЕ»

Сулаймонов Исроил Исомиддинович

Кандидат филологических наук, доцент Самаркандский государственный университет

Аннотация: В этой статье освещены вопросы трактования образа Бабур в образовательном романе «Бабурий-наме» писателя Хайридина Султана, вопросы историчности и художественной трактовки, мастерство писателя в использовании исторических фактов.

Ключевые слова: Бобур, «Бабур-наме», Хайриддин Султан, «Бабурий-наме», исторический факт, художественная трактовка, стиль и мастерство писателя.

THE ANALYSIS OF BOBUR'S ROLE IN "BABURIYNAMA"

Sulaymonov Isroil Isomiddinov

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor Samarkand State University

Abstract: In this article the interpretation of Babur's image in writer X.Sulton's educational novel "Baburiynama", the issue of historicity and artistic interpretation, and the writer's use of historical were described.

Key words: Babur, Baburnoma, Hayriddin Sultan, Baburiynama, historical facts were described, artistic interpretation, writer's style, artistic skill.

Тарихий воқеликни бадиий талқин этишда ҳар бир ижодкор ўз услубидан, баён қилиш техникаси ва тасвирлаш маҳоратидан келиб чиқиб ёндашади. Баъзи ижодкорлар тарихий фактларни тасвирлашда ўта даражада бадиийлаштиришга интилса, баъзиларида тарихий манбага яқин услубда ифода қилиш хисси юқори бўлади. Хусусан, буни биз ёзувчи Хайриддин Султон ижоди мисолида кўрамыз.

Хайриддин Султоннинг услуби, баён тарзи, тарихий факт ва тарихий ҳақиқатга ҳам адиб ва ҳам олим нуқтаи назаридан ёндашганида намоён бўлади. Унинг «Бобурийнома», «Бобур тушлари», «Тавба» каби асарлари учун «Бобурнома» манба бўлиб хизмат қилган. Шу боис унинг бу материаллардан бадиий асар яратишга бўлган интилишларини кузатар эканмиз, бу асар хоҳ саёҳат эсдалик жанридаги «Бобурийнома» бўлсин, хоҳ «Бобурнома» асосида

ёзилган «Бобур тушлари» бўлсин муаллиф уларда тарихий фактлардан ўринли ва унумли фойдаланиб, Бобур шахсияти ва ижодига оид ўзининг муносабатини бадиий тарзда ифодалайди.

«Бобурнома»да Бобур ва унинг ҳамроҳларини Ҳиндукуш тоғидаги қор кечиш воқеасини Хайриддин Султон ҳам ўз асарида бадиий тасвирини беради. «Бобурнома»да келтирилган ушбу воқеа тафсилотида Бобур руҳий ҳолатининг ўзгарувчанлиги, олдида турган машаққатли тўсиқни енгиб ўтишдаги қийинчиликлар сабаб юз берган психологик жараён жуда ёрқин тасвирлаб берилади. Асарда шу каби бадиийлик бўёғи асосида тасвир этилган воқеликлар кўплаб учрайдики, шу боис баъзи мутахассислар уни бадиий асарлар сирасига киритиш мумкин деб эътироф этишади.

Мазкур воқеа тафсилотини Х.Султон қуйидагича баён этади: «Табиблар даво топа олмай ҳайрон юрган қулоғидаги бу дард (яъни, Бобурнинг қулоғи - И.С.) боис не экани ўзига яхши аён. Мундин йигирма йил муқаддам, Қўтали Заринда мисли кўрилмаган қор бўронига дучор бўлди. Султон пешойи отлик кекса йўлбошловчи совуқдон гангибми, ё азбаройи қариликми йўлни йўқотди. Кечга бориб қор беҳад забтига олди. Қосимбекнинг зўри билан яқинроқ деб шу йўлдан юрилган эди, ориятманд одам, номусга тушиб, икки ўғлини ёнига олиб, қор кечиб йўл очгунча олға бошлади. Лайлак қор лаҳза сайин тобора кучаяр, доvon узра ув тортган изғирин эса юз-кўзга қўл-оёқлари юзларча, мингларча чаёнларни келтириб ураётгандек бўлар эди. Ҳаволи Қутий деган бир жойга етганда ... у (яъни Бобур- С.И.) қўлига курак олиб ёр яқинига мука тушди икки қулоч чамаси ернинг қорини курай бошлади. Ҳосил бўлган чуқурга тушиб, бошини ичкари тортиб тиззагача, белигача, кўксигача куради - ханўз ер кўринмас эди. Қор уюмидан ўтирди. Олам-жаҳонни буткул яксон қилмоқ қасдида қутуриб эсаётган изғириндан хейли панаҳ бўлди, ўлим ваҳми нари чекингандек туюлди. Тишини тишига зўр бериб босган қуйи дилда алам саратони, жисму жонида қиш қаҳратони, кўнглидек қоп-қоронғу осмонга тикилганича қимир этмай ўтираверди. Аллазамон ўтиб, беклардан икки-уч киши келди, ёрга боринг, ҳарна , жон сақласа бўлур дедилар. Ахир қайси юз билан борсин? Барча навкарлар бунда – бўрон чанғалида титраб титраб-қақшаб ўтирса-ю, у иссиқ ёрда фароғат оғушида мудраса. Йўқ, бу мурувват лафзига хилоф, ҳамжиҳатлик расмига ёт иш бўлади, у ҳам не машаққат бўлса, барча қатори бардош берур, агар вақти қазоси етган бўлса, кўпчилик билан жон таслим қилур» [3;398-399].

Х.Султон Бобур бадиий образини яратар экан, «Бобурнома»даги тарихий шахс Бобурнинг ички кечинмалари, табиатнинг бу мудҳиш синовига бардош билан чидаганлигини ҳаётий тарзда тасвирлайди. Гарчи Бобур шох бўлса-да, юксак инсоний хислатларига хилоф тарзда иш тутмайди, у табиат кучларига қарши жасорат, мардлик ва шижоат кўрсатиб бу тутқунликдан, табиат инжиқликлари устидан ғолиб келади. Юқоридаги парчада келтирилган воқеалар «Бобурнома» асосида яратилган бўлса-да, бунда муаллифнинг ижодий ёндашгани, асарнинг бадиий таъсирчанлигини юқорида даражада таъминлаганини кўришимиз мумкин.

«Бобурнома»да яна шундай маълумотларни ўқиймиз: «Мулқирликда ва мамлакатдорликда агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур» [1;69]. «Бобурнома»нинг ушбу сатрларини асарида келтирган Х.Султон Бобур бадиий образини характерловчи бадиий тасвирини беради: «Сарҳадга, Сарҳадга! Эҳтимол ўзга юртларга толе унга яна илтифот айлар? Мусофир бўлмаган-мусулмон бўлмас. Ўйига шу фикр келиши билан Бобур мирзонинг қизиган асов қони сув сепгандек бирдан совиб, ширин хаёллари чил-парчин бўлар эди... Уркач сув узра Бобур Мирзонинг хаёллари ҳамон чайқалар эди. Ложувард осмоннинг Сувқоқ кенти устидаги бурчида само белига белбоғ тортди-турфа рангда ял-ял товланган камалак оқшомни нурга белади. Этни жунжуктириб, захқаш шабада турди. Бобур Мирзо оёғидан зах ўтиб увишиб қолганини энди пайқади-да, аста қароргоҳига қараб йўл олди» [3;28].

«Бобурнома»да муаллиф тарихий шахс Нўён кўкалдош ҳақида жуда самимий ва илиқ сўзлаб, жумладан шундай дейди: «Пискенттин кўчуб, Оҳангарон кентларида уч-тўрт кун таваққуф қилдук. Самарқанддаги ошнолиқ била Мулло Ҳайдарнинг ўғли Мўмин Нўён кўкалтошни ва Аҳмад Қосимни, яна баъзиларни оғизлагони чорлар, менким Пискенттин кўчтум, бу жамъ Пискентга қолдилар. Бу жамоатқа бир жар ёқасида суҳбат берур. Биз келиб Оҳангарон кентларидан Сомсийрак деган кентга туштук. Тонгласи хабар келдиким, Нўён Кўкалдош жардин мастликта йиқилиб, ўлибтур... Нўённинг йиқилгон еридин топиб, эҳтиёт қилиб, Нўённи Пискентга туфроққа топшуруб келдилар. ...Манга ғариб таъсир қилди, кам кишининг фавтига мунча мутаасир бўлуб эрдим. Бир ҳафта ўн кунгача ҳамиша йиғлардим» [1;88].

Бобурнинг энг яқин дўстига қаттиқ қайғургани тасвирланган ушбу парчани Х.Султон ўз асарида бадиий тарзда қуйидагича ифодалайди: «Кимдур дарвозани жон жаҳди билан тақ-тақ урди... Аҳмад Қосим кириб, таъзим қилди:

Гуноҳкор қулингизни афв этинг, амирзодам, Фалокат, фалокат юз берди...
Нўён Кўкалдош мастликда жардан йиқилиб...

Бобурнинг борлиғи бир қалқиб тушди.

Нима, Нима учун?! Қачон? Қачон? Нечун? Ўлдими? Сиз, сиз қайда эдингиз, ахир?..

Ёлғиз ўртанган юраккина идрок қила олувчи навҳа кўки (мотам куйи) вужудини зир титратган Бобур унга ғамгин назар ташлади. Бу оламда ягона садоқатли дўсти ҳамдами ва муниси ёлғиз бир шу кўкалдош эди. Тақдир уни ҳам кўп кўрибдида! Ў, қисмат! Наҳотки, сенинг Бобур мирзони мангу синамоқдан бўлак эрмагинг бўлмаса. У гўё ўзига ўзи сўзлагандек, алланечук ғалати товушда:

Энди дардмандлиғ беҳуда! – деди секин. – Аввало манглайи шўр экан...
Макр қурбони бўлди, ғофил қолдик... Ғофил!» [3;31].

«Бобурийнома»да келтирилган ушбу парчадаги воқеалар Бобурнинг Пискент билан Оҳангарон орасида мағлубона кайфиятда юрган даврида юз беради. Бунда ҳам Бобурнинг рақиблари уни мавҳ этиш йўлида энг яқин дўстини йўқ қилади, унга маънавий зарба беради.

Х.Султон ўзининг «Бобур тушлари» ва «Бобурийнома»да Бобур тушларига оид билдирган фикрларида тарихий ҳақиқатни бадиий тарзда жуда юқори планда тасвирлайди, тарихий воқеликларга ўзининг шахсий муносабатини ҳам билдиради. Бу тасвирларда муаллиф Бобур бадиий образининг нозик жиҳатларига ҳам эътибор қаратади.

Бобурнинг тақдир тақозоси билан мағлублик пайтидаги ҳолати: «Алқисса, хижрий тўққиз йил саккизинчи йил қишига келиб Бобур Мирзонинг ишлари тараққийдан таназзулга юз тутган эди. Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилиб, саргардон юрган кезларида унинг аҳволи бисёр паришон эди. Ўз ҳолатни ўзи таърифлаб айтганидек вилоят йўқ, вилоят умидаворлиғи йўқ, навкар пароканда... Ана шундай маънос, қутсиз ва таҳликали кунлардан бирида у Карнон деган бир масканда ёғий қўлида қуршовда қолади. Уни не вақтга қадар изма-из таъқиб этиб келган ғаним навкарлари макр-ҳийла ила тириклайин қўлга туширмаққа тиришадилар. Ёлғон ваъдалар бериб алдамоққа уринадилар. Бобур Мирзо ёлғиз ўзи, қуролсиз, яроқсиз, уловсиз – имконсизлик қаърида қолиб, энг сўнгги чорага аҳд қилади: «Муни дегач менга ғариб ҳолате бўлди... Ўзимни ўлимга қарор бердим, дея қайғули қиссасини давом эттиради Бобур мирзо». Бобурнинг бу қайғули мағлубияти бутун вужудини чулғганини, унга нисбатан ўқувчида раҳм ва шафқат ҳиссини уйғотади, ҳамфикр этади.

Асар давомида Бобур яна шундай ёзади: «Кўрадурменким, Хожа Яъқуб, Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўймга аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Хўжа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббмиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг» [1;99-100].

Х.Султон «Бобурнома»даги Бобурнинг ушбу мағлубликка ботган руҳий ҳолатини, бу самовий қудратнинг таъбирини қуйидагича изоҳлайди: «Хўш, ақл бовар этмас бу ҳолни қандоқ баҳолаш мумкин? Оддий бир тасодифнинг оддий кўриниши деб талқин этсак, қулги ва масхарага сазовор бўлмаймизми? Ҳар қалай моддиюнчи – материалистик дунёқарашга асосланган бизнинг тасаввуримиз бу ғаройиб тилсимотни дабдурустдан қабул қилиши ва идрок этиши маҳол. Моддиюнчи дунёқарашнинг улўф бир айби будирким, у оламни сирру сеҳрдан, бинобарин жозибадан маҳрум қилиб қўйди. У ҳамма нарсани қуруқ ва жўнгина мантиқ қолипига тортишга уринади, бешарҳ ҳодиса-ҳолатларга шарҳ топишга уринади. Шу тариқа моддиюнчиликка ихлос қўйган одамнинг тасаввури ҳам қашшоқлашиб, бепоён ва рангин олам бағрида миллионлаб тилсимларни (жумладан, Бобур билан юз берган ҳолатни - И.С.) «Муни дегач менга ғариб ҳолате бўлди... Ўзимни ўлимга қарор бердим. Коиноту уммонлар шунчаки оддий табиий жисмларга айланиб қолади». Моддиюнчилик инсоннинг кўнглидаги илоҳий нурни сўндиради-ю, эвазига, афсуски, ҳеч нарса тақдим қила олмайди» [3;135-136].

Бобурнинг ушбу вазиятдаги руҳий ҳолатини Х.Султон ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб талқин этади, унинг мустаҳкам иймон кишиси, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам фақат яратгандан умид тилайдиган Ҳақпарвар зотлигини

таъкидлайди. Аслида ҳам Бобур бошидан кечирган ҳар қандай мураккаб, таҳликали ҳолатларда Тангрининг илоҳий қудратига ишонади, ўзининг буюк эътиқодига содиқ қолади.

References

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. Nashrga tayyorlovchi S.Hasanov. Toshkent. Sharq. 2002. – 335.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi. Toshkent.: SHarq. 2014. – 744.
3. Sulton Xayriddin. Boburiynoma. Ma’rifiy roman. Ikkinchi nashr. T.: Ma’naviyat, 2019. – 463 B.

G’iyosiddin bin Humomiddin Xondamir, Buyuklik xislati («Habibus-siyar fi axbori bashar» – «Bashar ahli siyratidan xabar beruvchi do’st» kitobining Zahiriddin Muhammad Bobur hayoti haqidagi boblari»), «SHarq» kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent 2011 yil.